

**Journal of Social Research in Uzbekistan****JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:  
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>

**COOPERATION OF RENEWABLE UZBEKISTAN WITH THE CIS COUNTRIES IN THE FIELD OF HIGHER EDUCATION (2017-2021)**

**Ravshan B. Siddiqov**

*Candidate of Historical Sciences, Associate Professor*

*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [ravidd@mail.ru](mailto:ravidd@mail.ru)*

---

**ABOUT ARTICLE**

---

**Key words:** independence, higher education system, globalization, reform, international cooperation, CIS countries, quality of higher education, foreign branches, joint programs, teaching staff, scientific cooperation.

**Received:** 03.05.22

**Accepted:** 05.05.22

**Published:** 07.05.22

**Abstract:** This article analyzes the role and further expansion of international cooperation in the development of higher education in the updated Uzbekistan on the basis of the "Action Strategy" adopted in 2017. The main attention is paid to highlighting the comprehensive cooperation of Uzbekistan with the CIS countries, Russia and Belarus in the field of higher education and in the training of highly qualified personnel. The activity of branches of leading foreign universities established in this field has been studied. The issues of training modern personnel and scientific cooperation for the needs of Uzbekistan on the basis of joint programs and roadmaps with leading foreign universities were also highlighted.

---

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ВА МДҲ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ (2017-2021 ЙЙ)

**Равшан Б. Сиддиқов**

*Тарих фанлари номзоди, доцент*

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [ravidd@mail.ru](mailto:ravidd@mail.ru)*

---

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

---

**Калит сўзлар:** мустақиллик, олий таълим тизими, глобаллашув, ислоҳот, халқаро ҳамкорлик, МДҲ давлатлари, олий таълим сифати, хорижий филиаллар, қўшма дастурлар, педагог кадрлар, илмий ҳамкорлик.

**Аннотация:** Мазкур мақолада 2017 йилда қабул қилинган “Харакатлар стратегияси” асосида Янгиланаётган Ўзбекистон олий таълим тизимини ривожланиширишда халқаро ҳамкорликни тутган ўрни ва кенгайиб бориши таҳлил қилинган. Асосий эътибор Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари, Россия ҳамда Беларуссия билан олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги кенг қамровли алоқаларини ёритишга қаратилган. Бу соҳада ташкил қилинган хорижий етакчи университетлари филиаллари фаолияти ва йўналишлари ўрганилган. Шунингдек етакчи хорижий олий ўқув юртлари билан биргалиқда қўшма дастурлар ва йўл харитаси асосида Ўзбекистон эҳтиёжлари учун зарур бўлган замонавий кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий ҳамкорлик масалалари ёритилган

---

## СОТРУДНИЧЕСТВО ОБНОВЛЯЕМОГО УЗБЕКИСТАНА СО СТРАНАМИ СНГ В СФЕРЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ (2017-2021 ГГ)

**Равшан Б. Сиддиков**

*Кандидат исторических наук, доцент*

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [ravidd@mail.ru](mailto:ravidd@mail.ru)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** независимость, система высшего образования, глобализация, реформа, международное сотрудничество, страны СНГ, качество высшего образования, зарубежные филиалы, совместные программы, педагогические кадры, научное сотрудничество.

**Аннотация:** В данной статье анализируется роль и дальнейшее расширение международного сотрудничества в развитии высшего образования в обновляемом Узбекистане на основе принятой в 2017 г. «Стратегии действий». Основное внимание уделено освещению всестороннего сотрудничества Узбекистана со странами СНГ, Россией и Беларусью в сфере высшего образования и в подготовке высококвалифицированных кадров. Изучена деятельность созданных в этой сфере филиалов ведущих зарубежных вузов. Также освещены вопросы подготовки современных кадров и научного сотрудничества для нужд Узбекистана на основе совместных программ и дорожных карт с ведущими зарубежными вузами.

### КИРИШ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, инсон капиталини салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Таълимни барча бўғинларини қамраб олган ислоҳотлар натижасида мамлакатда замонавий узлуксиз таълим тизимини асослари яратилди. Айни вақтда Ўзбекистоннинг босиб ўтган тараққиёт йўлини чукур таҳлили, унинг ҳаётини барча жабҳаларига жумладан, таълим тизимини ривожлантиришга янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этди.

Сўнгги йилларда таълим соҳасидаги Ўзбекистоннинг мамлакатлараро алоқалари тез суръатларда кенгайиб глобал аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистонда охирги йилларда олий таълим тизимини янги ривожланиш босқичига кўтариш, жаҳон олий таълим ютуқларини ўзлаштириш ва таълим сифатини дунё стандартлари даражасига олиб чиқишига эришиш йўлида дадил қадамлар қўйилди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, 2016 йилнинг охирги чорагида Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Ўзбекистон биринчи Президенти вафотидан кейин 2016 йил 4 декабрда ўтказилган навбатдан ташқари сайловда Шавкат Мирзиёев ғолиб чиқди. Жамиятда ўзок йиллар давомида юзага келган, ўз ечимини кутаётган муаммоларни хал қилиш ва Ўзбекистонни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устивор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонига асосан “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди[1]. Ҳаракатлар стратегиясини “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналишда Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш ва таълим сифатини юқори даражага кўтариш мақсадида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Тадқиқотда янгиланаётган Ўзбекистонда олий таълим соҳасида хорижий ҳамкорликни ёритишда тизимлаштириш, танлаш ва таснифлаш, фактлар, ҳамда хуносаларни қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, тарихийлик ва уммумлаштириш усусларидан фойдаланилди.

Мавзуга оид Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги ислоҳотларни бориши ва халқаро ҳамкорлик Л. Аллаев (Allaev, L 2000), Ш. Курбанов, Э. Сейтхалилов (Kurbanov, Sethalilov 2001), Д. Васиева (Vasieva D. 2008), Т. Мажидов, Д. Гош, К. Рўзиев (Majidov, Ghosh, Ruziev. 2010), К. Рўзиев, Д. Рустамов (Ruziev K., and Rustamov D. 2016), К. Рўзиев, У. Бурханов (Ruziev K. and Burkhanov U. 2016), Ф. Акрамова (Akramova F. 2018), З. Абдукаримова (Abdukarimova Z. 2019), С.М.Юн(Sergey M. Yun 2019) Р. Сиддиков (Siddikov R. 2015, 2019, 2020, 2021, 2022) ва бошқаларнинг рисола ва мақолаларида таҳлил қилинган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланган олий таълим тизими мамлакат эҳтиёжларидан келиб чиқиб модернизация қилинди. Ўзбекистонда 1997 йил қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширилиши натижасида олий таълимнинг моддий техника базаси мустаҳкамланди, тизимга ўқитишининг замонавий шакл ва технологиялари жорий этилди. Шунингдек юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳалқаро стандартларни жорий қилиш, ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш ва бу соҳада МДҲ ҳамда дунёни ривожланган давлатлари билан ҳалқаро ҳамкорлик борасида маълум натижаларга эришилди.

2016-2017 ўқув йилига келиб республикада 21 та университет, 37 та институт, 2 та академия, 11 та маҷаллий ва 7 та хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари филиаллари жами 78 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатди[2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “истиқлол йилларида мамлакатимизда олий ўкув юртлари сони 2,5 баравар кўпайди. Бугунги кунда олий ўкув юртларимизда 230 мингдан зиёд талаба билим олмоқда. Истеъодли ёшларимизнинг минглаб вакиллари дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда. Мамлакатимизда давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим тарбия соҳасига йўналтирилмоқда”[3].

Лекин таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган ютуқларни объектив баҳолаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда замонавий яхлит узлуксиз таълим тизими шакллантирилганлигига қарамасдан олий таълим тизими мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётида бўлган туб ўзгаришларга тўлиқ мослаша олмади. Айниқса унинг моддий-техника базаси ҳамда кадрлар сифати замон талабларидан орқада қолди. Олий ўкув юртларига киришни квоталар билан чекланганлиги меҳнат бозорини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж билан таклиф ўртасида узилишни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Афсуски аксарият олий ўкув юртларида таълим сифати ҳалқаро мезонларга ва реал иқтисодиёт талабларига жавоб бермайди. Ишлаб чиқаришда иш бошлаган кўпгина битирувчиларни аксарият ҳолларда қайта тайёрлашга тўғри келмоқда”[4.]

Яна кадрлар тайёрлашдаги муаммоларга эътибор қаратиб, “Биз кўплаб дастурларни қабул қилмоқдамиз, лекин уларни амалга оширадиган, ташаббускор ва ватанпарвар, юқори малакали кадрлар етарлими? Олий ўкув юртларида тайёрланаётган мутахассислар олдимизга қўйилган улкан вазифаларни бажаришга қодирми? Уларга таълим бераётган ўқитувчи ва профессорларнинг билим ва малакаси давр талабига жавоб берадими? Минг афсуски, бу саволларга жавоб бериш осон эмас. Биз бу йўналишдаги ишларимизни танқидий баҳолаган ҳолда 2017-2021 йиллар Олий ўкув юртлари тизимини янада ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқишимиз ва уни ҳаётга татбиқ этишимиз керак бўлади” деган фикр билдирилди[5].

Юқорида кўрсатилган олий таълим тизимидағи камчиликларни бартараф этишини кўзлаб 2017 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ” Қарори қабул қилинди[6].

Қабул қилинган қарорга биноан хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қуиши ва тажриба олмашиш, ҳалқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш устивор вазифалардан бири этиб белгиланди.

Карорда белгиланган вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш, олий таълим сифатини ошириш ва тубдан такомиллаштириш, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Шунингдек олий таълимни янада ривожлантиришда уни ҳалқаролашувига ва Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ўзаро манбаатли ҳалқаро алоқаларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Чунончи ўтган даврда мобайнида олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида МДҲ ҳамда дунёни ривожланган давлатлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада кенгайтиришга алоҳида устивор йўналиш деб қаралди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга йуналтирилган ишлар алоҳида эътибор лойик. Чунончи, ўзбекистонлик ёшларни хозирги кунда Россия олий ўқув юртларида таълим олишга бўлган қизиқиши жуда юқори. Мазкур мамлакатда Ўзбекистондан бориб таҳсил олаётган талабалар сони 2018 йилда 20 мингдан зиёд (Россиядаги хорижлик талабаларнинг 8,6 фоизи)ни ташкил қилди. Шуни таъкидлаш керакки, ўзбекистонлик абитуриентлар орасида Россиянинг Тошкентдаги олий ўқув юртлари, жумладан, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети ҳамда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети филиаларида ўқишга бўлган қизиқиши йилдан йилга ортиб бормоқда. Мазкур олий таълим муассасаларида таҳсил олаётганлар сони 2018 йилда икки мингдан ошди. 2018 йилда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик янги поғонага кўтарилди. Мамлакат эҳтиёжидан келиб чиқиб янгиланаётган Ўзбекистонда иқисодиётни ва ижтимоий соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда олий таълим соҳасидаги илғор хорижий тажрибани жорий қилиш мақсадида дастлаб Москва пўлат ва қотишмалар институтининг Миллий технологик тадқиқотлар университети фаолияти йўлга қўйди. Шунингдек, И. Сеченов номидаги 1-Москва давлат тиббиёт университети, Москва архитектура университети, Россия технологик университети филиалларини очиш бўйича келишувга эришилди[7].

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Россия ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Хусусан, олий таълим ва кадрлар тайёрлаш ҳамда илм-фанни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда.

Икки давлат ўртасида олий таълим тизимидағи ўзаро стратегик ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш мақсадида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг қатор етакчи олий таълим муассасаларининг ташабbusи билан 2018 йил октябрь ойида

Ўзбекистонда “Янги иқтисодиёт учун – янги кадрлар” биринчи Ўзбекистон-Россия таълим форуми ўтказилди.

Халқаро форум 2018 йилнинг 18 октябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди, унда икки давлат Президентлари администрациялари, Хукумат раҳбарлари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири ва Россия Федерациясини Таълим ва фан вазири ҳамда Россиянинг 80 дан ортиқ нуфузли олий таълим муассасалари ректорлари иштирок этди. Юқори савияда бўлиб ўтган анжуманда янгиланаётган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги олий таълимни ривожлантиришга қаратилган ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Жумладан - Ўзбекистонда Россия олийгоҳлари филиалларини очиш; академик алмашувни кенгайтириш; қўшма илмий ва инновацион форумлар ўтказиш; илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш; ОТМлар ўртасида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш устивор йўналиш қилиб белгиланди.

Мазкур нуфузли анжуманда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан қўшма дипломлар «Double degree»[8] дастурлари асосида талабаларни ўқитиши, факультет ва кафедралар филиалларини ташкил қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, мақсадли илмий изланишлар олиб бориш, ўкув ва илмий адабиётлар алмашиш, янги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун замин яратилди. Шунингдек 114 та шартнома ва битимлар имзоланди ҳамда бевосита Ўзбекистонда Россия Федерациясининг бир нечта нуфузли олий таълим муассасаларини филиалларини ташкил қилишга келишиб олинди. Хусусан, Ўзбекистонда РФ нинг 6 та нуфузли ОТМ филиали ва 2 та факультетини очиш, 52 та қўшма таълим дастурини жорий этишга келишилди. Масалан Тошкент Техника университети форум доирасида Россиянинг 4 та ОТМ билан ҳамкорлик шартномалари имзолади[9].

Анжумандан сўнг муҳокама қилинган масалаларнинг кўламидан келиб чиқиб олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада кенгайтириш ҳамда Россия олий ўкув юртларини филиалларини фаолият олиб боришларини хуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиши мақсадида Ўзбекистон билан Россия ҳукумати ўртасида “Ўзбекистон Республикасида Россия Федерациясининг олий таълим бўйича таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши туғрисида” битим имзоланди[10].

Ўзбекистон ҳукумати ижтимоий соҳани устивор йўналиши бўлган узлуксиз таълим тизимини муҳим бўғини, олий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жадал ривожлантиришга устивор вазифа сифатида қараб 2019 йилда хорижий олий ўкув юртларини филиалларини ташкил қилишда биринчи навбатда иттифоқчи ва стратегик шерик Россия Федерацияси билан алоқаларни янада кенгайтирган ҳолда ўзаро келишувга биноан изчил харакат қилди. Ўзбекистон Республикасида Россия Федерациясининг олий таълим бўйича

таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши тўғрисида ҳукуматлараро битим 2019 йил 1 марта кучга кирди.

Икки ой ўтгач, иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро Қўшма комиссиясининг йигилишида таълим, малака ва илмий даражаларга оид хужжатларни ўзаро тан олиш тўғрисида битим имзоланди[11]. Имзоланган битим Ўзбекистон ва Россия фуқароларининг билим олиш ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда уларга тенг имкониятларни кафолатлади ва икки давлат таълим тизимини интеграциялашувини янги босқичга кўтарди. Битимда таъкидланганидек “Россия Федерациясида олинган, ўқиши муддати тўрт йилдан кам бўлмаган бакалавр дипломи билан тасдиқланган олий таълим ва Ўзбекистон Республикасида олинган, ўқиши муддати тўрт йилдан кам бўлмаган бакалавр дипломи билан тасдиқланган олий таълим мос равища тан олинади ҳамда уларнинг эгаларига Россия Федерациясида олий таълимнинг (магистратура) таълим дастурлари ва Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг (магистратура) таълим дастурлари бўйича ўқиши давом эттириш ҳуқуқини беради”[12]. Ушбу хужжатни қабул қилиниши Россия олий ўқув юртларини Ўзбекистонда фаолият олиб боришлари ва ўзбекистонлик ёшларни замонавий билимлар асосида юқори малакали мутхассислар бўлиб этишиб чиқишилари учун кенг имкониятлар очиб берди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 220 бандида хорижий мамлакатларнинг ОТМлари филиаллари ҳамда қўшма таълим дастурларини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилганди. Бунда Ўзбекистонда Москва энергетика институти, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, шунингдек Тошкент кимё-технология институтида Д.Менделеев номидаги Россия давлат кимё-технология университети, Тошкент давлат аграр университетида Астрахан давлат техника университети билан қўшма таълим дастурлари (қўшма факультетлар) ташкил қилиш режалаштирилди[13].

Умуман олганда 2019 йилда Ўзбекистон ҳамда МДҲ давлатлари ва собиқ иттифоқдош республикалар билан олий таълим соҳасида ҳамкорлик жадал равища ривожланиб борди. Қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- 8 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети таркибида Ўзбек-Беларусь қўшма ахборот технологиялари факультетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори қабул қилинди.

- 11 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Россия Федерацияси Ташки ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)”

Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

-26 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети ва Корё университети билан ҳамкорликда халқаро факультетни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

-8 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Самарқанд шаҳрида “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризим университети” федераль давлат бюджети олий таълим муассасасинигнг филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

- 4 июня Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида “МЭИ” миллий тадқиқот университети” федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

-7 июня Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида “Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети” Федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

- 19 июля Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Астрахан давлат техника университетининг Тошкент вилоятидаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

-20 ноября Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. 2019 йилнинг биринчи чорагида Украина ning “Днепропетровск политехника” миллий техника университети ва Навоий кончилик институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланган бўлиб, мазкур олий таълим муассасалари ўртасида академик ва илмий фаолиятни амалга оширишга қаратилган “Йўл харитаси” ҳам тасдиқланди[14].

Юқоридаги олий ўқув юртлари филиаллари 2019-2020 ўқув йилидан ўз иш фаолиятларини бошладилар ва дастлабки талабаларни қабул қилдилар. Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Москва энергетика институти (МЭИ)» миллий тадқиқот университети федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалнинг вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

- мамлакатимиз энергетика тармоғи учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;
- замонавий таълим дастурлари ва ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш; – соҳага оид илмий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш;
- таълим ва илмий-техник соҳада етакчи хорижий таълим муассасалари билан муносабатларни ривожлантириш;

- эҳтиёжга кўра мазкур соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш.

Москва Энергетика институти 2019/2020 ўқув йилида филиалга 150 талаба қабул қилди, жумладан 30% талабалар Ўзбекистон Республикаси давлат буюртмаси (бюджети) ҳисобидан, талабаларнинг қолган қисми харажатлари саноат корхоналари ҳисобидан грант асосида қопланди. Бакалавриат таълим йўналишлари “Иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик техникаси” (иссиқлик электр станциялари) – 50 нафар, “Электр энергияси ва электротехника” (гидроэлектростанциялар, электр энергияси тизимлари ва тармоқлари) – 100 нафар талаба танлаб олинди[15]. Энергетика соҳасидаги кадрларга бўлган эҳтиёжни йилдан-йилга ортиб бораётганини эътиборга олиб 2020 -2021 ўқув йилида Москва Энергетика институтига қабул квотаси икки баробар кўпайтирилиб кундузги бўлимга 250 та, сиртқи бўлимга 50 талаба қабул қилинди. Талабаларни 225 таси грант асосида ва 75 таси бюджет ҳисобидан билим олдилар. Шунингдек иқтисодиёт, менежмент ҳамда Электроника ва наноэлектроника йўналишларида 75 та талаба тайёрлашга киришилди[16].

Ўзбекистон Республикаси электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида ядро энергетикасини ривожлантиришга қарор қилди. Бу янги соҳани истиқболда кадрлар билан таъминлаш масаласини хал қилиш учун Ўзбекистонда Россия миллий ядро тадқиқот институтининг “Москва инженерлик-физика институти” филиали ташкил қилинди. Дастраси талабаларни 2019-2020 ўқув йилида қабул қилиш бакалавриатнинг қуидаги тўрта йўналиши бўйича амалга оширилди:

- Ядро энергетикаси;
- Ядро физикаси ва технологиялари;
- Иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик техникаси;
- Электр энергетикаси ва электр техникаси.

Энг юқори бал тўплаган 100 талаба давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниб, бепул таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Филиалнинг барча битирувчилари Ўзбекистонда тан олинадиган Россия андозасидаги диплом оладилар ҳамда ўқишини тугатганларидан сўнг, “Ўзатом” агентлиги тизимида доимий иш билан таъминланадилар[17].

Жаҳон сиёсати ва иқтисодиёти, ҳалқаро муносабатлар ва дипломатия, ҳалқаро ҳуқуқ ва ташқи савдо соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш, шунингдек Россия Федерацияси Президенти В.В. Путиннинг 2018 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикасига ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда «Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат ҳалқаро муносабатлар институти » Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг хориждаги биринчи Тошкент шаҳридаги филиали ташкил этилди[18].

Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуидагилар белгиланди:

Халқаро майдонда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифода этадиган ва фаол илгари сурадиган, муҳим сиёсий, иқтисодий, хуқуқий ва бошқа вазифаларни ҳал қила оладиган, талаб кучли бўлган юкори малакали мутахассисларни олий таълим дастурлари бўйича тайёрлаш;

мутахассислар ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва илм-фаннынг узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили, шунингдек унинг жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига уйғун интеграциясини таъминлаш асосида ривожлантириш;

халқаро сиёсий, дипломатик, хуқуқий, иқтисодий ва савдо муносабатлари соҳаларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги таълим дастурлари ва шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, замонавий юкори самарали педагогик услугуб ва таълим технологияларини фаол жорий этиш;

таълим ва илм-фан соҳаларида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш соҳасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (кейинги ўринларда — ЖИДУ) билан ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш ва уни минтақавий таълим хаби сифатида танитиш.

Москва давлат халқаро муносабатлар институти филиали 2019 йил сентябрь ойидан бошлаб “Бизнес -информатика” ва “Юриспруденция” йўналиши бўйича 88 нафар талабаларни ўқитиши бошлади[19].

Ўзбекистон Республикасининг кимё саноати учун муҳим бўлган юкори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Тошкент шаҳрида “Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида”ти ПҚ-4352-сонли қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг филиали фаолият кўрсатишини бошлади. Кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, университет билан келишилган ҳолда, Филиал бакалавр ва магистратура йўналишлари бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини амалга оширади. Филиалда бакалавриат таълим дастури бўйича ўқиш қўйидаги таълим йўналишлари бўйича олиб борилиди:

Кимё технологияси;

Техносфер хавфсизлик;  
Материалшунослик ва метериаллар технологияси;  
Материалларни бадиий қайта ишлаш технологияси.

Университет Россиядаги кимё ва технологик университетлар орасида энг юқори рейтингга эга ва МДҲдаги энг яхши олий ўкув юртлари рўйхатига киритилган олий таълим муассасаси хисобланади[20].

Ўзбекистон олий таълим тизимида илғор хорижий тажрибани жорий қилишда 2017 — 2019 йилларда таълим жараёнига МДҲ мамлакатларидан 316 нафар педагог жалб қилинди. Бу ўз навбатида олий ўкув юртларига илғор педагогик ва ахборот технологияларини кириб келишига ҳамда таълим сифатини ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтаришда ва ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони стратегик аҳамиятга эга бўлган қадам хисобланади[21].

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга оширишда асосий эътибор соҳани халқаро талаблар даражасига кўтаришга ва уни дунё таълим маконига интеграциялашувига қаратилди. Кўйилган вазифаларни хаётга татбиқ этиш борасида хорижий ҳамкорлик устивор йўналиш қилиб белгиланди. Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантириш юзасидан ҳам аниқ ва кенг кўламли вазифалар кўйилди ҳамда уларни хаётга татбиқ этиш “ Йўл харитаси”ишлиб чиқилди. Шу ўринда Россия ва МДҲ давлатлари билан олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда етакчи университетларнинг филиалларини ташкил қилиш ва қўшма дастурлар асосида ҳамкорлик янада кенгайтирилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги барча жабҳалардаги ҳамкорлик, жумладан, таълим соҳасида ҳам янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз ўртасида таълим дастурларини такомиллаштириш, талабалар, педагоглар, ёш олимлар ва тадқиқотчилар алмашинуви соҳасида доимий мулоқотлар олиб борилаётгани бежиз эмас. Ўзбекистонда, 25 та Беларусь университетлари билан қўшма таълим дастурлари мавжуд. Беларусь университетлари билан бу борада ҳамкорлик катта истиқболга эга[22].

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 августда Беларусь Республикасига расмий ташрифи чоғида кенгайтирилган таркибдаги икки томонлама музокаралар доирасида таълимга оид ҳужжатларни ўзаро тан олиш тўғрисида ҳам битимлар, илмий-техника, ИТ соҳалари, минтақалараро ҳамкорликка оид кўплаб ҳужжатлар имзоланган эди[23]. Дастребаки

Беларусь Республикаси Олий ўқув юрти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 йил 2019 ноябрдаги "Тошкентда -Ўзбекистон фанлараро амалий техник малака қўшма институтини ташкил этиш тўғрисида" ги фармонига мувофиқ бошлади. Институт республика иқтисодиёти тармоқлари учун юқори малакали мухандис-техник кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ташкил қилинди[24].

Институт республика саноат тармоқларининг энг муҳим илмий ва ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган халқаро таълим стандартларига мувофиқ, шу жумладан бакалавриат ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма ўқув дастурлари асосида кадрлар тайёрлай бошлади. Шунингдек, институт олий ва касб-хунар таълимининг замонавий ўқув дастурлари ва шаклларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, илгор педагогик ва ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўқув жараёнига жорий этишга киришди. Институт таъсисчиси Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети, фаолиятни ташкил этиш иштирокчилари Беларусь Миллий техника университети ва Республика касб таълими институти (Беларусь) ҳисобланади. Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти ўқув жараёни Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда муассис ва иштирокчилар томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади. Машғулотлар рус тилида олиб борилади. Битирувчиларга белгиланган БДТУ стандартидаги олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади ва у Ўзбекистон Республикаси олий маълумот тўғрисидаги хужжат сифатида тан олинади. Беларусь давлат технология университети (БДТУ)нинг биотехнология, технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш, информатика ва ахборот технологиялари йўналишларига талабаларни 2-2 форматда қабул қилиш ўзаро ҳамкорликнинг муқаддимаси бўлди. Шу билан бирга мазкур олий ўқув юрти билан машинасозлик ва механика йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича келишувнинг йўлга қўйилиши таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтарди. Ундан кўзланган асосий мақсад — мамлакат саноат тармоқлари учун юқори малакали мухандис-техник кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, олий ва касб-хунар таълимини ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш, илгор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўқув жараёнига жорий этишdir. Бундан ташқари, БДТУ билан қўшма таълим дастурларини яратиш, бакалавриат таълимининг тегишли йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва материаллар нашр этиш, ўқув-услубий ишларнинг сифати ва даражасини ошириш, таълим ва фан уйғунлигига

эришиш каби бир қатор масалаларда биргаликда фаолият юритишга келишиб олинди. Бугунги кунда бу борадаги ўзаро ҳамкорлик муваффақиятли давом этмоқда[25].

Олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистонда 2020 йилда хам изчил давом эттирилди. 27 Май куни пандемия сабабли онлайн тарзда ташкил этилган Россия ва Ўзбекистон университетлари ректорларининг минтақалараро конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур анжуман Ўзбекистон-Россия таълим форумини тайёрлашда муҳим босқич бўлиб хизмат қилди. Сўнгги уч йилда ўтказилган музокаралар натижасида мамлакатда Россия Федерациясининг нуфузли университетларининг фундаментал йўналишдаги 8 та филиали очилди.

Шундай қилиб, Россия олий ўқув юртларининг мамлакатимиздаги филиаллари сони 11 тага етди. 2020/2021 ўқув йили учун ушбу филиалларга 2180 нафар истеъдодли йигит-қиз қабул қилинди. Ўзбекистоннинг 34 та олий ўқув юртида Кадрлар тайёрлаш Россиянинг 48 та олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда қўшма ўқув дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Биргина 2020/2021 ўқув йилида 4100 талаба Россия Федерациясининг нуфузли олий ўқув юртлари филиаларида бакалавр ва 450 та магистрлик дастурларида таҳсил олди. Сўнгги икки йил ичида Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик кўлами сезиларли даражада кенгайди. Агар 2018 йилгача икки мамлакатнинг 70 га яқин университетлари ҳамкорлик қилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 115 дан ошди. 2018 йилда ҳамкорлик бўйича 128 та битим ва 46 та йўл харитаси тасдиқланган бўлиб, 2020 йилда 242 та битим имзоланди, 63 та йўл харитаси амалга оширилди[26].

2020-2021 ўқув йилида Россия университетларида 35500 нафар ўзбекистонлик талаба таҳсил олди. Россия Федерацияси федерал бюджетидан грантлар асосида, Ўзбекистонлик талабаларга 2019 йил 228 ўрин берилган бўлса 2020-2021 ўқув йилида 405 ўрин ажратилди. Улар мамлакат тараққиёти учун аҳамиятли бўлган машинасозлик, энергетика, жумладан атом энергетикаси, ахборот технологиялари, қурилиш, тиббиёт, геология, кимё, ва биотехнологиялар каби йўналишларда таҳсил олишмоқда[27].

Шунингдек, Россия ва Ўзбекистон илм-фан соҳасида самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда. Натижада халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланган қўшма илмий мақолалар тайёрланди. 2016 йилда ҳамкорликда ёзилган мақолалар сони 85 тани ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 140 дан ошди. Икки мамлакат профессор-ўқитувчилари физика, кимё, материалшунослик, спектроскопия, астрономия ва астрофизика соҳаларида илмий ҳамкорликни амалга оширмоқда[28].

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси билан МДҲ давлатлари ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар шу

жумладан, таълим соҳасида жадал ривожланиб борди. Айниқса Россия Федерацияси билан олий таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик тез суратларда ривожланиб мустақилликни дастлабки йилларида Россия олий ўкув юртларини филиаллари ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев даврида Ўзбекистон ҳамда Россия сиёсий ва иқтисодий алоқаларини фаол ривожланиши олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун анча қулай муҳит яратди[29].

Шунингдек Ўзбекистонлик талабалар учун Россияда олий таълим олиш собиқ Иттифоқ республикаларига нисбатан энг жозибадор масканга айланди. Рус тилини Марказий Осиё давлатларида кенг қўлланилиши, юқори сифатли олий таълим, ўкув дастурлари ва талабларни ўхшашлиги, мослашишни қулайлиги йилдан-йилга Россия Федерациясида ўзбекистонлик талабаларни улушни ошиб боришига олиб келди. Янгиланаётган Ўзбекистонда олий таълимни замон талаблари асосида модернизация қилишда ва барча соҳалар учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда МДҲ давлатлари ҳамда Россия билан олий таълим соҳасида ҳамкорликни кенгайиб бориши Ўзбекистоннинг юқори салоҳиятли кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришда ва уни инновацион ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш керак.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги расмий сайти. <http://edu.uz/uz/opendata/view?id=3>
3. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик .Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқи. Ma’rifat 2016 yil 19 oktabr.
4. Тошкент оқшоми, 2016 йил 26 ноябр.
5. XXI asr, 2016 -yil 20-oktabr.
6. Халқ сўзи, 2017 йил 21 апрель.
7. Ўзбекистон ва Россия: Стратегик ҳамкорлик амалда.19.10.2018<https://isrs.uz/uz/maqolalar/uzbekiston-va-rossia-strategik-amkorlik-amalda>.
8. Double Degree - Qo’shma ta’lim dasturlari.
9. <http://tdtu.uz/uz/astraxanda-rossiya-%D1%9Ezbekiston-otm-rektorlarining-minta%D2%9Bavij-forumida-universitetning-ishtiroki/>
10. Ўзбекистон Республикасида Россия Федерациясининг Олий таълим бўйича таълимуассасалари филиалларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини юритиш

тўғрисида .Ўзбекистон ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати билан битим. 2018 йил 19 октябрь, Тошкент <https://lex.uz/docs/4317133>

11. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида битим .,”Талаб, малака ва илмий даражаларни ўзаро тан олиш” тўғрисида 2019 йил 30 май, Урганч . <https://lex.uz/docs/4374996>

12. “Таълим,малака ва илмий даражаларни ўзаро тан олиш тўғрисида”Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасидаги битим.<https://lex.uz/docs/4374996>

13. 2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини”Фаол инвестициялар ваижтимоий ривожланиш иили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаЎзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. <https://lex.uz/docs/4168749>

14. "Тараққиёт стратегияси " маркази. <https://strategy.uz/index.php?news=782>

15. <https://minenergy.uz/ru/news/view/5>

16. <https://mpei.ru/Structure/mch/Tashkent/Pages/priem.aspx>

17. Халқ сўзи 23 май 2019 йил

18. «Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлигининг Москва Давлат халқаро муносабатлар институти( университети)» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.

19. 2019 йил 11 февраль,ПҚ-4171-сон. <https://lex.uz/docs/4198100>

20. [http://mg.uz/print/publish/doc/text156188\\_oficialnoe\\_otkrytie\\_filiala\\_mgimo\\_v\\_tashkente\\_s\\_ostoyalos\\_,\\_яна](http://mg.uz/print/publish/doc/text156188_oficialnoe_otkrytie_filiala_mgimo_v_tashkente_s_ostoyalos_,_яна) қаранг <http://www.gazeta.uz/ru/2019/12/09/mgimo/>

21. <http://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/mendeleev-opening2>

22. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь, пф-5847-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>

23. Правда Востока 11 сентября 2021 <https://yuz.uz/ru/news/reform-v-vsshem-obrazovani----put-k-novomu-uzbekistanu>

24. Янги Ўзбекистон 20 январ 2021йил. <https://yuz.uz/news/oliy-talim--xalqaro-hamkorlik--yangi-bosqichga-kotarilmoqda>.

25. Тошкент шаҳрида Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтини ташкил этиш тўғрисида 2019 йил 20 ноябрь,пқ-4524-сон. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. <https://lex.uz/docs/4601326>

26. Янги Ўзбекистон 20 январ 2021йил. <https://yuz.uz/news/oliy-talim--xalqaro-hamkorlik--yangi-bosqichga-kotarilmoqda>
27. Узбекистан – Россия: новый этап сотрудничества в области высшего образования. [uza.uz https://e-cis.info/news/568/89988/](https://e-cis.info/news/568/89988/)
28. <https://uz.sputniknews.ru/20220125/skolko-uzbekistantsev-uchitsya-v-rossii-22375684.html>
29. С.М. Юн.Реформа и интернационализация высшего образования Узбекистана при Президенте Ш.М. Мирзиёеве. Вестник Томского государственного университета. история. 2019. № 62 стр 141.
30. Сиддиков, Р. Б. (2019). Толерантность-важное направление в образовательной политике Республики Узбекистан. *Проблемы современной науки и образования*, (1 (134)).
31. СИДДИКОВ, Р. Б. (2011). Становление непрерывной системы образования в Узбекистане: достижения и проблемы. *Научная жизнь*, (4), 117-122.